

## ЭҲТИЁЖИ МИЛЛАТ

«Бошка миллатларга қаралса кўрилурки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар хам ўқилур. Чунки дунёда турмок учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебахра миллат бошка миллатларга поймол бўлур.

50 сана мукаддамги замонда, биз туркистонлилар якка ва танҳо яшаб, бошкалар ила муомала ва муносабатимиз йўқ эди. Энди замон ўзгариб, бошка миллатлар ила маҳлут бўлдук, шариъат ва ўз урфимиз устига конун ва Оврупо одатига итоат килмокка мажбурмиз.

Аммо конун ва Оврупо одатларини билмаганимиз учун бойимиз бўлсун, кози ва миллий хукамомиз ва ахолимиз бўлсун кўб ташвиш ва зарап кўрар. Замони собикда факат шариъат билмок кифоя этарди. Энди конун ва закунни билмок хам лозимдур. Шариъат илми мадрасаларга, конун илми Россия дорилфунунларига ўқилур. Дорилфунунга кирмок учун, аввало, ўн сана гимназияга ўкумок керак. Сўнгра тўрт сана дорилфунун ўкуб андан хукукшунос, юрист, таъбир жоиз бўлса, замона факихи бўлиб чикар. Суд маҳкамаларинда, давлат доираларинда, кириб, хар хукукшунос ўз муваккили ва ўз миллати ва ўз тойифаси ва ўз Ватани ва ўз давлатининг нафъига сўйлашур, мудофаа килур.

Масалан, давлат думасинда биз Туркистон мусулмонларидан шундай хукукшунос вакил бўлса, бизни дин ва миллатимиз нафъига харакат килур. Аммо шундай одам бизда йўк.

Давлат думаси нари турсин, судга ва расмий маҳкамаларга кириб, бизни мудофаа киладургон кишимиз йўк. Бошимиз оғриса дўқтурга борамиз, аммо дардимизни айтмокга тил йўк. Ўзимиздан дўқтур йўк.

Иккимиз бир-биrimiz ила низо киламиз. Кетамиз закунчига, сўйламокга тил йўк. Орадаги одамлар яна бизга фириб берар, пул берармиз, югурагармиз, яна ишлар барбод, охири йўк.

Иморат килмокчи бўлсак, плон-лойихаси лозимки, инженерга муҳтоҷ бўлармиз. Аммо биз хануз «муҳандис» исмини билмаймиз.

Контур ва расмий дафтар тутиб, касса куриб тижорат этмок лозим. Илм тижорат била турган бухгалтерик хисоби юритадургон бойларимизга керак, ул хам ўзимиздан бир нафар топилмайдур.

Хаммолликдан бу ишлар яхши бўлса керак. Бир неча бойваччани биларманки, энг каттик хизматларга гирифтор. Сабаби надур — илмсизлик. Холбуки аларни «тўйи»га атоси 5 минг сўм сарф этиб эди.

Туркистон меваси, донаси, тоши, туфроги, эски нимарсалари Оврупо бозорига кетар. Муни Оврупо даллоллари келиб оз баҳога олиб кетар, меҳнатни биз килурмиз, фойдани улар кўрар. Ўз нимарсамизни Оврупо бозорига элтиб, яхши баҳога сотатургон бизда бир одам йўқ. Азбаски, Оврупо ила савдо килатургон кишини (ўзи) аввал ўн сана замона илми ўкумоги лозим.

Бизда шохи, адрес, бекасам, алоча... боғликлар бор. Агарда бир нафар техник ва муҳандисимиз бўлса бу дастгоҳларни ислоҳ этар, ахоли обод бўлур. Валлоҳ, якин вактда "дока" боғилларимиздек зоеъ бўлиб кетар. Чунки Оврупо янги асбоб ила мундин яхши килиб чикорур.

30 сана муқаддам Самаркандни Ёмини маҳалдасинда 300 алочабоғ ишчи бор эди. Ал-он 30 нафар йўқ. 10 сана сўнгра тамоман маҳв бўлур.

Хулоса, мактабимиз, дўқонимиз, корхонамиз, мадрасамиз ва хар нимарсамизни замонча ислоҳи лозимдур. Валлоҳ, хар нимарса кўлдан кетар, бизда муздуруликдан бошка хеч иш колмас. Бир ускуна, дўқон ва саройни ишлатмокга хам илми замоний ва замона шумлигини билмок лозим. Валлоҳ, биздан дунё илмини яхши билатургонларга мулк ва асбобимиз ўтар ва ўтуб турубдур.

## Махмудхўжа Бехбудий. Эхтиёжи миллат (1913)

Муаллиф:  
13.03.2014 23:49 -

Киска килайлик, бошка миллатларни бойлари факир ва ётимлар учун мактаб ва дорилфунунлар соладурлар, факир ва ётимларни ўкумоги учун вакф "истипендия"лар таъйин килур. Бошка миллат милийнерлари мактаби ила истипендияси-ла, идора килатургон газет ва мажалласи-ла, бино килган доруложизин (аёллар университети — Н. О.), барпо килган жамъияти хайрияси-ла фахр киладур.

Бизникилар жуфт оти-ла, аробаси-ла, тўйи или ва... ла фахр этар. Хатто, ўз ўгилларини ўкутмайдургон бойлар бордур.

Бу кетишни охири ямондур, ўкумок, ўкутмок керакдур. Болаларга оталардан илм диний ва илми замоний мерос колсун.

Бутун Туркистондан ўн бой йилинда минг сўмдан берса, 25 бола учун Тошканда "диний ва замоний" бир "пансиун" лайли ва нахори 5 мукаммал мактаб бино бўлуб, хар йил хукумат мактабинда 50 бола тайёрлайдур.

Ўн йилда булардин... 200 мухандис, дуктур, хукукшунос, муаллим, техник, замона тожири, валлоҳ... чикар ва бизни замон одамлари каторида кўярлар ва давлат ишига кирадарлар. Руслар ила бизни хасан имтизожларимизга хизмат киладурлар.

Ал-он миллатимиз бойлардан шуни кўз тутар, халойикни барбод этатургон тўйларни эмас. Ох, бу сўзларни тушунатургон бойлар бизда ётушганми?

"Самарканд" газетаси, 1913 йил, 12 июл